

# ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

216-13-190-ОВ/2022-

сон

2022 й. «16» 8

Түрткүл тумани Ободонлаштириш бошқармаси (кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилувчи) номидан, ўзининг устав ва низомлари асосида фаолият юритувчи раҳбари А.Юсупов бир тарафдан «Турткул-Самад Стандарт курилиш» МЧЖ (кейинги ўринларда “Бажарувчи” деб юритилувчи) номидан ўзининг устав ва низомлари асосида фаолият юритувчи раҳбари Х.Курбанбаев иккинчи томондан ушбу пудрат шартномасини қуидагилар тұздилар:

## 1.ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

- 1.1.Мазкур шартномага асосан, “Пудратчи” “Буюртмачи”нинг буюртмасига асосан, Түрткүл тумани Гулистон МФЙ худудидаги №47 кўп қаватли уйни канализация тизимини жорий таъмирлаш ишлари белгиланган муддатларда, тегишли меъёрлар ва нормаларга мувофиқ равища бажаришни ўз зиммасига олади
- 1.2. “Буюртма”чи ўз навбатида, “Пудратчи” томонидан, бажарилган хизматларининг ҳақини ўз вақтида тўлаш ва иш натижаларини қабул қилиб олиш, мажбуриятини ўз зиммасига олади.
- 1.3. Мазкур шартнома асосида бажариладиган хизмат турлари ва баҳоси шартноманинг тафсилотлар бўлимида тўлиқ кўрсатилган.

## 2. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ХИЗМАТЛАРНИ БАЖАРИШ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

- 2.1.”Пудратчи” томонидан, хизматлар тўлиқ бажарилганидан кейин “Буюртмачи” ишларни далолатнома асосида далолатнома тўлдириб қабул қилиб олади.
- 2.2.”Пудратчи” шартнома мажбуриятларига асосан, хизматлар сифатига тўла кафолат беради ва барча жавобгарликни ўз зиммасига олади.
- 2.3.”Пудратчи” хизматларни бажариш жараёнида ва кейинчалик кафолат даври давомида, аниқланган нуқсонларни ўз ҳисобидан бартараф қиласи.

## 3. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ЎЗАРО ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

- 3.1.Мазкур шартноманинг умумий 436 378 476 баҳоси: (тўрт юз ўттиз олти миллион уч юз етмиш саккиз минг тўрт юз етмиш олти) сўмни ташкил қиласи. Шундан. ҚҚС сўммаси 56 918 931,65 (эллик олти миллион тўққиз юз ўттиз бир сўм олтиш беш тийин) сўмни ташкил қиласи.
- 3.2.Кўрсатиладиган хизматлар учун ҳисоб-китоблар, шартноманинг 3.1. бандида кўрсатилган сумманинг 30 фоизи олдиндан пул ўтказиш йўли билан қолган 70 фоизи хизматлар узил-кесил тўлиқ бажарилганидан кейин пул ўтказиш йўли билан амалга ошириласи.

## IV. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

“Пудратчи” нинг мажбуриятлари:

- 4.1.” Пудратчи” мазкур шартномага асосан, барча мажбуриятларни қонунга мувофиқ тарзда бажаришни ўз зиммасига олади.
- 4.2.”Пудратчи” шартнома бўйича, хизматларни белгиланган муддатда, меъёрлар ва нормаларга мувофиқ равища бажаради.
- 4.3.”Пудратчи” кўрсатган хизматларининг сифатига бир йил давомида тўла кафолат беради.
- 4.4.”Пудратчи” хизматлар кўрсатиш жараёнида нуқсонлари аниқланганида, барча камчиликларни ўз ҳисобидан бартараф қиласи.

“Пудратчи” нинг ҳуқуқлари:

- 4.5.”Пудратчи” “Буюртмачи” дан, кўрсатилган хизматлари учун ҳисоб-китоб тўловларини ўз вақтида амалга оширишни талаб қилишга.
- 4.6.”Пудратчи” “Буюртмачи”дан шартнома мажбуриятларига тўла амал қилишни талаб қилишга.

4.7."Буюртмачи" шартнома бўйича, мажбуриятларини бажармаганида ёки лозим даражада бажармаганида, буюртмачини буруний туманлараро иқтисодий судига беришга.

"Буюртмачи"нинг мажбуриятлари:

4.8."Буюртмачи" "Пудратчи" томонидан, курсатилган хизматларниң ҳисоб-китобларини ўз вақтида амалга ошириш.

4.9.Мазкур шартнома бўйича, ўз зиммасига олган барча мажбуриятларни қонунларга мувофиқ тарзда бажариш.

4.10.Шартномага асосан, "Пудратчи" томонидан, кўрсатилган хизматларни ўз вақтида қабул қилиб олиш.

"Буюртмачи"нинг хуқуқлари:

4.11."Пудратчи"дан мазкур шартнома бўйича, барча мажбуриятларни тўлиқ бажаришини талаб қилиш.

4.12."Пудратчи" Курсатилаётган хизматлари давомида, меъёрлар ва нормалардан чекланишга йўл қўйганида, "Пудратчи"ни огоҳлантириш хуқуқига эга.

4.13."Пудратчи" мазкур шартнома бўйича, мажбуриятларини тўлиқ ёки лозим даражада бажармаганида, "Пудратчи"ни Қорақалпоғистон Республикасининг хўжалик судига беришга ҳақли.

## V. ШАРТНОМА ТАРАФЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1."Пудратчи" мазкур шартномага асосан ўз зиммасига олган мажбуриятларини ҳар бир кечиктирган кун учун кечиктирилган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди. Бунда пеняниң умумий миқдори кечиктирилган сумманинг 50% дан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

"Бўйрутмаачи" бажарилган ишлар ҳақини тўлашни кечиктирган ҳар бир кун учун кечиктирилган сумманинг 0,4 % миқдорида пеня тўлайди. Бунда пеняниң умумий миқдори кечиктирилган сумманинг 50 % дан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Агар бажарилган ишлар сифати стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) қонунчиликда ёки хўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, сотиб оловчи (буюртмачи) товарларни (ишларни, хизматларни) қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, етказиб берувчидан (пудратчидан) сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар (ишлар ва хизматлар) қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга ҳақли.

## V1. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШ ТАРТИБИ

6.1.Мазкур шартноманинг мажбуриятлари тарафлар томонидан қонун доирасида бажарилиши лозим.

6.2.Тарафлар шартнома бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларниң бажарилишини тўла таъминласалар шартнома бажарилган ҳисобланади.

6.3.Шартнома мажбуриятлари "Пудратчи" томонидан, 45 кун ичida тўлиқ тугатилади..

## V11. ШАРТНОМАГА АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

7.1.Шартнома тарафларнинг келишувига асосан, Газначилик бўлинмасидан руйхатдан ўтган кундан бошлаб 31 декабр 2022 йилгacha амал қилинади.

7.2.Мазкур шартноманинг бажарилиш муддатига томонларниң ўзаро келишувига мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

## V111. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБЛАРИ

- 8.1.Мазкур шартнома бўйича,ўзаро келишмовчиликлар ва низолар келиб чиқсан тақдирда,тарафлар қоида тариқасида,уларни судгача ҳал қилиш чораларини кўрадилар.
- 8.2.Тарафлар ўртасида келиб чиқсан,келишмовчилик ва низолар ўзаро ҳал қилинмагач,белгиланган тартибда, Буруний туманлараро иктиносий судида ҳал қилинади.

#### 1X. ФОРС-МАЖОР ВА ЖАВОБГАРЛИКДАН

##### ОЗОД ЭТИШ

9.1. Тарафлардан бири, шартномани форс-мажор ҳолатлар туфайли,яъни енгиб бўлмас кучлар( фавқулоттда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган,ёнғинлар,жала,дўл,сел,сув ташкини,зилзила) туфайли бажармаганлигини исботласалар,жавобгар бўлмайдилар.

9.2.Тарафлар форс-мажор ҳолатлари тўғрисида, ёзма равишда бир-бирини хабардор қилишлари лозим.

#### X. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

10.1.Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар томонларнинг ўзаро розилиги билан ёзма равишда амалга оширилади.

10.2.Мазкур шартнома томонларнинг ҳар бирiga бир нусхадан икки нусхада тузилди,ушбу нусхаларнинг барчаси бир ҳил юридик кучга эга.

10.3.Мазкур шартнома,мажбурий тартибда, давлат Ғазначилик бўлинмасидан рўйхатдан ўтказилганидан бошлаб қонуний кучга киради.

#### XI. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ АСОСИЙ ҚОИДАЛАРИ

1.Томонлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупсияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан пора, яъни (давлат органи ёки ташкилотнинг номи) ходими ўз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб муайян ҳаракатларни содир етиши ёки содир етмаслиги шартлиги ёхуд мумкинлиги учун моддий қимматликларни ёки мулкий наф олиш учун қуидаги ҳаракатларни қилмайди: пора беришни таклиф қилиш ёки ваъда бериш; товламачилик қилиш; пора сифатида пул тўлаш;

бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бериш. Томонлар ушбу ҳаракатларга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрилишига кафолат беради.

2. Агар шартнома бўйича бир Томон (давлат органи ёки ташкилотнинг номи) ходимининг ахлоққа тўғри келмайдиган ва ушбу шартнома ёки Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларига зид келадиган хатти-ҳаракатларига, шу жумладан, коррупсияга оид хуқуқбузарлик содир етишга мажбурлашдан иборат бўлган фактларга дуч келса, бу ҳақда қуидаги алоқа каналларидан бири орқали хабардор қилиши керак: коррупсия ҳақида хабар беришга мўлжалланган ишонч телефони: 10 07

**ТОМОНЛАР:**

**ПУДРАТЧИ**

Ташкилот: **«Турткул-Самад  
Стандарт Курилиш»МЧЖ**  
Манзил: Турткул туман.  
Тел: (93) 779-77-79  
Р\С: 20208000700384465001

ИНН: 303032013  
Банк: Микрокредитбанк Турткул  
филиали  
МФО: 00599



Директор - **Х.Курбанбаев**  
**М.У.**



**БУЮРТМАЧИ**

Ташкилот: **Тўртқўл тумани  
Ободонлаштириш бошқармаси**  
Манзил: Турткул куча 55 уй  
Тел: 532-33-28

Л\С 401722860352337065200110012

ИНН: 204633184

Банк: Марказий банк Т-ш Бош

МФО: 00014  
**Молия Вазирлиги ягона Ғазна  
хисоб**

вараги, Ғазначилик бўлинмаси:  
Х\Р: 2340200030010000101

Директор: **А.Юсупов**  
**М.У.**



YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUNCHILIK  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY  
XULOSA

1. Loyihaning turi: shartnoma
2. Loyihaning nomi: fuqarolik shartnomasi
3. Loyihaning qisqacha mazmuni: To'rtko'l tuman obodonlashtirish boshqarmasi va "To'rtko'l-Samad Standart Qurilish" MCHJ o'ttasida 436 378 476 (to'rt yuz o'ttiz olti million uch yuz yetmish sakkiz ming to'rt yuz yetmish olti) so'mlik pudrat shartnomasi.
4. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:  
To'rtko'l tuman obodonlashtirish boshqarmasi tomonidan 2022-yil 15-avgustda dasturga kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonunchilik hujjalariiga, xususan, Fuqarolik kodeksining 354-moddasi, "Davlat xaridlari to'g'risida"gi qonunning 56,62-moddasi, "Xo'jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy huquqiy bazasi to'g'risida"gi qonunning 25,26,32-moddalariga, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 14.09.2021-yildagi "Shartnomaviy munosabatlarni tubdan takomillashtirish chora tadbirlari to'g'risida"gi PF 6313-sod Farmonining 3-bandiga mos ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

To'rtko'l tuman adliya bo'limi  
Yuridik xizmat ko'rsatish markazi  
bosh yuriskonsulti

2022-yil 15-avgust



L.Qurbanbayev

Түрткүл тумани Гулистон МФЙдаги кўп қаватли турар жой биносининг  
канализациясини жорий таъмирлаш ишлари учун энг яхши таклифларни  
танлаб олиш бўйича ўtkазилган

132532/1 сонли мажлис баённомаси

Катнашувчилар:

**Комиссия раиси:**

А.Юсупов-

Түрткүл туман Ободонлаштириш  
бошқармаси бошлиғи, комиссия раиси

**Комиссия аъзолари:**

М.Таджибаев

-Бўлим бошлиғи, комиссия аъзоси

М.Кулимбетов

Туман молия бўлими мутахассиси,  
комиссия аъзоси

Р.Раймов

Бўим бошлиғи, комиссия аъзоси

Д.Ходжаниязов

Механик, комиссия аъзоси

**Кун тартиби:**

Түрткүл тумани Ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи энг яхши таклифларни танлаб олиш комиссияси раиси А.Юсупов мажлисда танлов комиссиясининг 5 аъзосидан 5 киши катнашаётганлигини айтиб ўтиб танлов комиссияси мажлисини очик деб эълон килди.

Ушбу танлов бўйича 2021 йил 22 апрелдаги Ўзбекистон Республикасининг 684-сонли “Давлат харидлари тўғрисида”ги Конунинининг 58-моддасига мувофиқ энг яхши таклифларни танлаб олиш танлов ўtkазилиши хакидаги элон танлов катнашувчиларининг таклифларини кабул килиш муддати 5 кун олдин бюджет ташкилоти томонидан маҳсус ахборот порталига ([etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz)) 2022 йил 4 Август кунги № 22110012132532 лот бўйича ва 2022 йил 12 Август кунги № 132532 сонли баённома бўйича хеч кандай эътиroz келиб тушмади.

Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида” Конун талабларига ва юқоридаги кўrsatilagancha маълумотларни хисобга олиб танлов комиссияси

**ҚАРОР ҚИЛАДИ :**

1. Түрткүл тумани Гулистон МФЙдаги кўп қаватли турар жой биносининг канализациясини жорий таъмирлаш ишларини амалга ошириш бўйича ўtkазилган танлов хужжатларидан хамда танлов шартлари бўйича энг яхши таклифларни таклиф қилган ва танлов голиби деб ООО ТО’РТКО’Л-SAMAD STANDART QURILISH 436 378 476 сўм (КҚС билан бирга) шартнома тузилсин.


2. Танлов голиби танлов шартлари асосида шартнома тузишдан бош тортган тагдирда шартнома тузиш хукуки кейинги қатнашувчи (резерв) килиб : LUKSOR МЧЖ белгилансин. Бунда Голиб катнашувчи таклиф қилган суммасидан ошмаган миқдорда шартнома тузиш мумкинлиги белгилаб кўйилсин.

3. Конун талабларига мувофиқ танлов қанашувчиларининг таклифларни кўриб чикиш хамда баҳолаш муддати таклифларни бериш тугашидан 10 кун муддатдан ошиб кетиши мукин эмаслиги маълумот учун қабул қилинсин.

4. Ташкилотнинг бош хисобчиси М. Нуриев танлов якуни бўйича голиб билан шартнома хужжатларини таёrlаш хамда шартнома тузилгандан кейин 3 иш куни ичида тегишли ахборот парталига ([etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz)) жойлаштириш топширилсин.

5. Танлов комиссияси котиби Р. Раимов ушбу танловга тегишли барча хужжатларни белгиланган тартибда сакланиши таъминлансин.


**Комиссия раиси:**


А. Юсупов  Тўрткўл туман Ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи, комиссия раиси

**Комиссия аъзолари:**

М. Таджибаев  Бўлим бошлиғи, комиссия аъзоси

М. Кулимбетов  Туман молия бўлими мутахассиси,

Р. Раимов  Бўлим бошлиғи, комиссия аъзоси

Д. Ходжаниязов  Механик, комиссия аъзоси